



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY Axborot-PALATASI
INV.M

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
9 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 72
(12.188)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти
ва фаровонлиги йили

ШИНАМ ВА ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР – ЮРТ КҮРКИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси давом этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ташкил этилган катта кўргазма ўйотмоқда.

Буни кўргазма экспозицияси билан танишиш мақсадида бу ерга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар келаётгани ҳам тасдиқлайди. Улар орасида меъморлар, лойиҳачилар, қурувчилар, қурилиш материаллари ва жихозлари, электр ва маиший жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар, талаба-ёшлар, уй бекалари, маҳаллалар фаоллари бор.

Вилоятларнинг архитектура, қурилиш, транспорт, коммунал хизмат соҳалари мутасаддилари, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, туманлар бош меъморлари, тайёр ҳолда топшириш шартларида ишлайдиган пудрат ташкилотлари раҳбарларининг кўргазмада иштирок этиши бу ерда намоиш этилаётган уй-жой-

ларнинг намунавий лойиҳалари, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш, қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш, молиялаш ва амалга ошириш механизми билан чуқур танишиш имкони беради. Бу эса ўз навбатида жойларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазма иштирокчилари тақлиф этилаётган намунавий лойиҳаларнинг аксариятида уй-жойларнинг томларини замонавий маҳсулотлар жумладан, черепица билан ёпиш кўзда тутилганига алоҳида эътибор қаратди. Мутахассисларнинг айтишича, черепица унинг, қолаверса, бутун ҳудуднинг ташқи қиёфасига ўзига хос чирой бағишлаши билан бирга, 50 йилдан ортиқ хизмат қилади. Ҳозир мамлакатимизда турли рангдаги, юқори даражадаги пишиқликка эга керамик, қўми-полимерли черепицалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, "Disk-Invest", Ўзбекистон-АҚШ, "Tezin Tom LTD" Ўзбекистон-Германия қўшма корхоналари, "Металл инвест" сингари ўндан ортиқ кичик корхонада йилга 500 минг квадрат метр металл черепица, 300 тоннадан ортиқ профили металл ишлаб чиқаришмоқда.

Айни чоғда қиялиги кам бўлган томлар учун мўлжалланган "Полиизол" ва "Бикром" томёпқич материаллари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Эътиборга молик жиҳати, чиримайдиган бўлиб материаллардан бино пойдеворлари, бассейнларда гидроизоляция сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Фармон ва ижро

МИЛЛИЙ ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимиз фуқаролари дунёнинг қайси давлатига бормасин, уларнинг қўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлади. Бу улут номуни, бахт эканини бозон чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Ҳеч кимга қарам бўлмаган, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқда эга давлатнинг фуқароси бўлиш, аниқроқ айтганда, унинг ҳимоясида бўлиш том маънодаги бахтидир.

Юртимизда ҳалқимиз ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун ушбу жараёнинг муҳим ҳуқуқий асосларидандир. Ушбу қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

– Мазкур қонун мамлакатимизда миллий паспорт тизими яратилиши ва шаклланиши учун ҳуқуқий асос бўлди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги хорижа қилиш-қилиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алишер Тўшметов. – Қонун қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини жорий қилиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилди. Натижада ҳозир амалда бўлган миллий паспортимиз яратилди. 1995 йил 1 январдан бошлаб фуқароларимизга Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик паспортлари расмийлаштирила бошланди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби паспорт тизими ҳам халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштирилмоқда. Жорий йил 23



СУРАТДА: Баҳодир Маганов.

Даврон АХМАД олган сурат.

ҚОРАҚҮЙЛИДА ХУСУСИЙ КОРХОНА

Бўқа тумани Қорақўйли қишлоғида барпо этилган «Хориз Абдурашад» хусусий корхонаси макарон, буханка ва оби нон, булочка ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади.

Корхона бир кунда 3 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Бу ерда 25 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш билан таъминланди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, шахар ва туман кенгашлари доимий комиссиялари раислари, ҳокимликлар ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини жонлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида, депутатлар фаолиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишнинг вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Рустам Холматов бошқарди.

Асосий эътибор жаҳон иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қарор толган бардавом ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда кучайтиришда халқ депутатлари кенгашлари олдига турган вазифаларни амалга ошириш йўллари белгилан олишга қаратилди. Бу жараёнда халқ депутатлари алоҳида қарор-ташаббус кўрсатишлари, белгиланган чора-тадбирлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ижро интизомини кучайтириш, бунда депутатлик гуруҳлари ва доимий комиссиялар томонидан жамоатчилик назоратини изчил тус олдирish лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан», деган ибора бор. Инқирознинг таъсирини камайтиришга қаратилган депутатлик ташаббуслари, тақлиф ва мулоҳазалар ҳокимлар, ҳокимликларнинг бошқа мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланиши, жойларда долзарб масалаларни ҳал қилишда депутатларнинг ташкилотчилик қобилиятлари ва раҳбарлик салоҳиятларидан кенг ва оқилона фойдаланиш зарур. Бу инқирозга қарши чора-тадбирларнинг ҳудудий дастурларини амалга оширишда, хусусан, аҳолининг иш билан бандлигини таъмин-

Депутат ва ҳаёт

ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмапти, суръат пасайиши, маҳсулот камайишига йўл қўйилаётган шахар ва туманлар афсуски бор.

Фармон ва қарорлар, ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда маҳаллий кенгашлар доимий комиссияларининг таъсир кучидан етарли фойдала-

лар ўтказиш, тарғибот-тушунтириш ишларини кенгайтириш, уларда халқ депутатларининг фаолиятини таъминлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқишни лозим топди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда депутатларнинг масъулиятини ошириш йўлини иштирокчиларининг диққат марказида турди. Халқ ҳўжалиги, бандлик, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари сессиялар, доимий кенгаш мажлисларида кўриб чиқирилиши, ҳокимликлар, уларнинг бошқарма ва бўлимлари фаолиятидаги камчиликларга ҳолисона баҳо берилиши, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари белгиланиши, қарор ва дастурларни сайлов округларида кенг тушунтириш ва одамларни уларни бажаришга сафарбар этиш дастурий режалар амалга оширилишининг муҳим гаровидир.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш, вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан халқ таълими муассасаларида ўтказилган тегишли ёқунлар, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларида куз-киш ойлари учун қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари захирасини тайёрлаш, бу жараёнда халқ депутатларининг фаол иштирокини таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, уларнинг барчаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

МУҲИМИ — АМАЛИЙ ИШ

лашда, жойлардаги имкониятларни ишга солиш, истиқболли соҳа ва тармоқларни ривожлантиришда, айниқса, муҳимдир.

Афсуски, айни шу ўринда депутатлик корпуси изчиллик, ишнинг кўзини биллиб ҳаракат қилиш фаизлатини тўла намоён эта олмаётди. Йиғилишда халқ депутатларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни кўриб чиқишдаги сусткашлигига жиддий эътирозлар билдирилди. Улар амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари, пухта ўрганиб, сайловчилар билан учрашувларда уларни тарғиб қилиш эътибор бермаётганлар. Уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар халқ депутатлари кенгашларининг доимий комиссияларида ишчанлик билан, атрофлича кўриб чиқилмайди. Натижада айрим ҳудудларда

нилмапти. Сессияларда доимий комиссиялар раислари, уларнинг аъзолари тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш тажрибаси шунчаки унутиб қўйилаётган ёки бундай ҳисоботлар юзаки кўриб чиқилаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Бу бир жиҳатдан, жойларда тушунириш ишларида депутатларнинг ўзибўларчилиги, бу борадаги юзаки ёки умуман фаолиятсизлиги оқибатидан бошқа нарсас эмас. Чунончи, Олмалик ва Охангарон шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманлари халқ депутатлари кенгашларида бу борадаги ўзибўларчилик айниқса кучли. Айрим ҳолларда сессиялар ниҳоятда паст савияда ўтади, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга уларнинг таъсири сезилмайди. Шунинг билан, йиғилиш жойларда инқирозга қарши чораларга бағишланган семинар-тренинг-

рига, хусусан, шогирдлари Насрулло Исмоилов, Матназар Ражабов, Озод Давлатовга сидқидилдан ўргата бошлади. Бошқача қилиб айтганда, кечаги шогирд – бугун устоз.

Бугун Баҳодирнинг икки ўғли ҳам ота-бобоси қасбини севиб, ардоқламоқда. Каттаси корхонанинг қўйиш цехида уста. Иккинчиси ишлаб чиқариш цехида оператор.

Хуллас, Баҳодирнинг фидойилиги, қатъият ва шижоати муносиб баҳоланди. Юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

– Очигини айтсам, бу хабар мени бир оз шошириб қўйди, – дейди Баҳодир Маганов. – Корхонада ўз қасбининг моҳир устаси бўлган ишчилар оз эмас. Бу муқофот менинг қадрдон жамоам олдидagi бурч ва масъулиятимни янада оширади. Ортиқча ҳаяжонга берилмай, гапнинг лўндасини айтсам, меҳнатнинг қадр топса, жонингни жабборга бериб ишлагинг келади. Зеро, Ватан, эл-юрт, ота-она ишончини оқлаш ҳар бир инсон учун шарафдир.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Вилоят ҳаёти

ХИЗМАТ УЧУН РАҒБАТ

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг жанговар ўқув маршўлотлари ва хизматда фаоллик кўрсатган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига йўлаган "Ташаккурнома"ларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

– Ҳар бир ота-она ўз фарзандини эл-юрт қорига ярайдиган, Ватанини ҳимоя қилишга қодир бўлиб камол топишини истади, – дейди пармент-ли Шўхрат Салимов. – Ўғлим Шўхрат ҳам йиғитлик бурчини муносиб тарзда адо этиб, эл олдига юзими ёруғ қилди. Айниқса, менга йўланган ташаккурномани ўқиб, бошим осмонга етди.

ЎЗА.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ КЕРАКМИ?

Юқоричирчиқ туманидаги «Keum Sung International» масъулияти чекланган жамияти республика Президентининг «2009 йилда саноат корпорацияси асосида маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик корхоналари учун қоғоз конуслар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бугунгача корхона шартномага асосан буюртмачиларга 15 миллион 400 минг донга қоғоз конуслар етказиб берди. Маҳсулот ҳажмининг йил охиригача 36 миллион донга етказиш режалаштирилган. Мунаввара РАЖАББОВ қизи.

ГУЛЗОРОБОД КОЛЛЕЖИ

Чиноз туманидаги "Гулзоробод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 615 ўринли касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган мазкур қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар кол-

этибори ва ҳамхўрлиги туфайли ёш авлодга билим бериш ва касб-хунар ўргатиш ишларида улкан эътибор қаратилмоқда, – дейди коллеж директори Олим Хушвақтов. – Коллежимизда ўқувчилар

қурилиш, бухгалтерия ҳисоби, молия, менежмент, маиший хизмат кўрсатиш, дурадгорлик, ахборот-кутубхона иши йўналишлари бўйича таълим олади.

ЎЗА.

2010 обуна
йил учун бошланди
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205.

Қўшма корхоналарда

**мақоми билан мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида иш бошлаган
Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси 250 минг АҚШ
доллари ҳисобидаги трикотаж маҳсулотларини хорижга экспорт қилди**

налар ёрдамида амалга оширилади.

Ф. Сирохиддиновнинг эътирофи этишича, таъсисчилар ҳам қараб туришмаяпти. Улар корхонанинг нисоз жамғармасини 20 миллион долларга етказишга ҳаракат қилишмоқда. Биргина ишлаб қачиришни ривожлантиришнинг ўзига 1 миллион доллар айланма маблағ жалб этишди.

Биз корхонада бўлганимизда туркиялик меҳмон, тадбиркор Атилла Айдагис билан суҳбатладик.

— «Bursel Toshkent Tekstil»нинг маҳсулотлари ҳозир 100 фоиз Россияга экспорт қилинаётган экан. Табиийки, бу корхонанинг ютуғи, — дейди А. Айдагис. — Ишончим қомил, корхона келажакда

да ўзининг сифатли, рақобатбардор маҳсулотлари билан жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллайди. Корхонага келишимдан мақсад, кичик тивукичилик фабрикамиз учун тайёр матоларни олиш. Шу ниятда корхона маъмурияти билан мулоқотда бўлиб, икки томонлама манфаатли шартнома имзоланди.

Мунаввара
ИСОКУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

A collection of children's drawings on a piece of paper. The drawings include several heart shapes, some with internal patterns, a figure that looks like a person or a creature, and various abstract shapes and lines. The drawings are done in a simple, sketchy style with dark outlines.

СУРАТЛАРДА: корхона директори Ф. Сирожидинов туркиялик тадбиркор А. Айдаг билан махсулот сифатини кўздан кечирмоқда; ишлаб чиқариш цехлари ҳамда лабораториялардаги иш жараёнлари.

Муаллиф олган суратлар.

парказий шифохонаси бош
қори бу қарорни бажариш-
унан мажбур эди. Аммо, у
аракат бошлади, ўзининг
қонуний буйруғини асос-

аракат бошлади, ўзининг қонуний буйруғини асос-
далиллар түплашга ки-
ришди. Буйруқда кўрсатилган
мадҳи шижоатлаштириб
қошилди. Буни қаран-
гидан бўлатиш ва омбор-
да тафтиш қилувчи комис-
сия тузиш ҳақидаги буйруқ
айтади, бир тартиб рақами
чиқарилганди. Тафтишда

DT

mi

й жавобгар шахс Дилшод
заров иштирок этишини
хам ўтиришмади. Омбор-
минг 666 сўм "камомал"

“Сўнги 800 сўм қамовиди”
 бўлиб ортика қамасулот
 ги “аниқланди”. Аслини
 да бу акцияга тафтиш ҳам
 қўйилмайд, чуқки, санаси
 иллагам далолатномада
 қланганидек, “олди-берди
 и”дан бошқа нарса эмас-
 ша кезлари ҳам ҳайдовчи
 лилар ишларди, – деди
 қи босқич судида ғувоҳ
 Зой Аҳмедов. – 2002 йил
 гушт куни (Шоназаровни
 бўлатиш ҳақидаги буй-
 н икки кун кейин) омбор-
 и қабул қилиб олдим.
 рад чикканини кўрмганам.

унга кўра, шунча миқдорда камомад аниқланса, у дарҳол ҳукукий идора-хабардор қилиши лозим. Лекин Миржамбул Абдул-қадир бундай қилмади, зеро камомад" бармоқларидан "сўз-тўқилган тўхмат" —

Кўринишидан, ниҳоят муаммо ҳал бўлган, ҳақиқат ойдинлашиб, адолат қарор топгандек эди. Лекин суднинг бу ҳаққоний қарори ҳам ижро этилмай қолиб кетди. Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсат

